

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил март ойининг 26 кунда, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи:- А.У.Нурматов

судья ёрдамчиси Ш.Таджиевнинг котиблигида, тарафлардан Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Ҳамдамова, химоячи Р.Файзиев (судланувчи Ф.Омонбоевнинг ҳуқуқларини химоя қилувчи)нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айб эълон қилинган Ф.Омонбоевга оид 1-1101-2102/54-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Омонбоев Фурқат Шухрат ўғли (Omonboyev Furqat Shuxrat o`g`li)** – 07.10.1998 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Белтепа маҳалласи, Тўлаган Сайидов кўчаси, 23-уйда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланган, айблов ҳулосасини 28.02.2021 йилда олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувиغا ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини, ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Омонбоев Фурқат Шухрат ўғли 2021 йил 10 январь кун соат 13:00 ларда, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Зангиота тумани, А.Яссавий маҳалласи, Замондошлар кўчаси 51-уйга ўзининг ёнида бўлган уйнинг иккинчи калити ёрдамида очиб кириб, уй эгаси Исроилова Наима Аманбаевнанинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, ғайриқонуний равишда кириб, мазкур хонадоннинг ётоқхонасида турган шкаф ичида бўлган умумий қиймати 15.000.000 сўмлик сариқ металлдан ишланган тақинчоқларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, Ф.Омонбоев ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, тақроран ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 5 февраль кун соат 14:30 ларда Зангиота тумани, А.Яссавий маҳалласи, Замондошлар кўчаси 51-уйга ғайриқонуний равишда кириб, у ердан мазкур хонадонда истиқомат қилувчи Исроилова Наима Аманбаевнага тегишли бўлган умумий баҳоси 14.000.000 сўмни ташкил қилувчи сариқ металлдан ишланган тақинчоқларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ф.Омонбоев қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 2021 йил 10 январь кун тушлик вақтида, аммаси Исроилова Наиманинг Зангиота тумани, А.Яссавий маҳалласи, Замондошлар кўчаси 51-уйига боргани, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзида бўлган калит ёрдамида эшикни очиб ичкарига



киргани, шундан сўнг хонадоннинг ётоқхонасида турган шкаф ичидаги аёллар тилла тақинчоқларини олиб у ердан чиқиб кетгани, кейин Чорсу бозорига бориб тилла тақинчоқларни нотаниш шахсга 15.000.000 сўмга сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари ва қарзларига ишлатиб юборгани, шундан сўнг 2021 йил 5 февраль куни такроран аммаси Исроилова Наиманинг Зангиота тумани, А.Яссавий маҳалласи, Замондошлар кўчаси 51-уйига бориб, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзида бўлган калит ёрдамида эшикни очиб ичкарига киргани, шундан сўнг хонадоннинг ётоқхонасида турган шкаф ичидаги аёллар тилла тақинчоқларини олиб у ердан чиқиб кетгани, кейин Чорсу бозорига бориб тилла тақинчоқларни нотаниш шахсларга 14.000.000 сўмга сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, ҳозирда ўз хатосини тушуниб етгани, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қайтарилгани ҳақида кўрсатув бериб, суддан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Ф.Омонбоевнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи Н.Исроилованинг, ҳақиқатдан ҳам, 2021 йил январь ойининг бошларида ётоқхонасидаги шкаф ичида турган тилла тақинчоқларини кўздан кечирганида тақинчоқларнинг бир нечтаси жойида йўқлигини кўргани, у тақинчоқларини бошқа ерга қўйган бўлса керак деб ўйлаб, уйини ҳамма ерини қидириб чиққани бироқ топа омагани, шундан сўнг февраль ойининг бошларида ётоқхонасидаги шкаф ичида турган тилла тақинчоқларини кўздан кечирган вақтида у ерда турган бошқа тилла тақинчоқлари ҳам жойида йўқлигини кўриб бу ҳақида ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, гумони жияни Ф.Омонбоевда эканлигини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан Ф.Омонбоевнинг олдига бориб уни чўнтаклари кўздан кечирилганда унинг уйини захира калити чиққани, шунда жияни Ф.Омонбоев ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб тилла тақинчоқларни у ўғирлаганлигини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари тегишли хужжатларни расмийлаштиришгани, ҳозирда судланувчи Ф.Омонбоев томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраши ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Жиноят ишидаги жабрланувчиларнинг аризалари билан; ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото жадваллар билан; дастлабки тушунтириш хатлари билан; нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси билан; сўроқ қилиш баённомалари билан; кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото жадваллар билан; нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан; ашёвий далилни кўздан кечириш баённомаси билан; шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Омонбоевнинг уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилганликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан, ҳамда такроран уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилганликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси



ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Ф.Омонбоевга бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир этгани сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасига асосан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан жавобгарликка тортишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Омонбоевга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, яъни унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий яшаш шароитини, жабрланувчига етказилган барча зарарлар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни, бироқ суд Ф.Омонбоевни айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий яшаш шароитини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, у тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, шартли ҳукм қўллаб, уни шартли равишда жазони ўташдан озод қилиб, синов муддати белгилашни;

-иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, тилхат асосида Н.Исроиловага қайтарилган 1 дона “DAF” калитни тасарруф этиш ҳуқуқини тиклашни;

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Ф.Омонбоевга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиб Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм гаров пуллари Н.Исроиловага қайтаришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларёига асосан, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Омонбоев Фурқат Шухрат ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан Ф.Омонбоевга нисбатан шартли ҳукм қўлланиб, у озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан шартли равишда озод қилинсин ва 2 йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Омонбоевни хулқи устидан назорат олиб боришлик Тошкент шаҳар



Шайхонтохур тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ф.Омонбоевга, синов муддати давомида ҳар ойнинг биринчи якшанба куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБнинг жазони ижро этиш бўлимидан рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Ф.Омонбоевга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Тошкент вилояти ИИБ хузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм гаров пуллари Н.Исраиловага қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, тилхат асосида Н.Исраиловага қайтарилган 1 дона “DAF” калитни тасарруф этиш ҳукуки тиклансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кун эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:-

(имзо)

А.У.Нурматов

*Нусхаси аслига тўғри:*

